

1920111349 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА

АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Кибрай тум.

2022 йил "17" Январ

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "27" январдаги №27-01-14/6025 от 30.12.2021г.-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи ТОШКЕНТ филиали директори Ш.С.Бакиров (кейинги ўринларда – Оператор) (Кибрай ТБ Ж.М.Собиров) бир томондан ва "Имкониева Марга зерикати" номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганилик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Г.А.Омамова (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқлаб тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Жами **165 600** олдиндан **165 600** тўлов  
микдор **1 бир ўз олишич беш меснун сўнг**  
сум 00 тийин) сўм, шу жумладан, ККС 15 % микдорида. Шартноманинг умумий "17" 012022 дан 31.12.2022 гача микдори **165 600** (бир ўз олишич беш меснун сўнг 00 тийин)  
сўмни ташкил этади. Ундан **6 900 ⏵ 2 = 13800** (бир ўз меснун сўнг 00 тийин)  
сўм микдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичиде ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарilmайдi.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алохида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь** ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### **4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### **5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **6. Алохида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳукуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза эътиrozнома шикоят таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

#### **7. Якуний коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужожатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p><b>ОПЕРАТОР:</b> “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ Тошкент филиали Кибрай ТБ</p> <p>Манзил: Ташкент вил. Нурафшон кўч. Бобур 84 уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000404074838235</p> <p>СТИР: 203366731;</p> <p>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”</p> <p>Тел: 71 900 00 01;</p> <p>Оператор номидан:  Ж.М.Собиров /имзо/ м.ў.</p>	<p><b>АБОНЕНТ:</b> “ИЧКОИ НЕД-Я ЗГА ДКПАМЛУ” Манзил: Жисоджон мунисипалитети Дарёном иӯзаси №174</p> <p>Банк маълумотлари: Иноми йўлини бўли х/р: 10000108602774870900057048 СТИР: 308887813 МФО: 00401 Банк номи: Иноми йўлини бўли Тел: Низрза Улузбек E-mail: qoqimov@uz</p> <p>Абонент номидан:  R. Oqimov /имзо/ м.ў.</p>
---	---

Ўзбекистон Республикаси  
Макомлагоғ тавассути  
Веодурманий Банк юриданусуби  
  
O. Турдиев  
17.08.2022 дар.

2022 йил “17” января  
даги  
1920111349 –сонли абонент шартномасига  
1-илова

### Кўрсатиладиган хизматлар

#### 1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

t/r	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	Нархнома	-	-
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Бюджет База ГТС” тариф режаси. Киритилган лимит 180 дақика, узбекистон бўйлаб чиқувчи кўнғироклар лимитдан ташкари 12 сўм.	6900,00	Нархнома	2	13800
2.2	Бир ойлик абонент тўлови “Лимитсиз Бюджет База ГТС” тариф режаси. Киритилган лимит 45 000 дақика, узбекистон бўйлаб чиқувчи кўнғироклар лимитдан ташкари 12 сўм.	35 000,00	Нархнома		
2.3	Sip trunk хизмати 40 дона канал трафиги чекланмаган	12 250,00	Нархнома		
Жами (олдиндан тўлов)					

ОПЕРАТОР:  
“УЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
Тошкент филиали Кибрай ТБ  
Оператор номидан:  
  
Ж.М.Собиров  
Директор

АБОНЕНТ:  
“Чиним деб-я мар йиришилл”  
Абонент номидан:  
  
А. Оматова